

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:  
№ БД-5313000-2.23  
2021 йил “04” 06

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
121 -сонли буйруғи  
2021 йил “04” 06



**ПЕДИАТРИЯ  
МОДУЛ ДАСТУРИ**

**Билим соҳаси:** 500 000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

**Таълим соҳаси:** 510 000 – Соғлиқни сақлаш

**Таълим йўналиши:** 5313000 – Биотиббӣёт муҳандислиги

**ТОШКЕНТ – 2021**

### **Тузувчи:**

Шерматов Р.М.

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти  
“Педиатрия” кафедраси мудир, тиббиёт фанлари  
номзоди.

### **Такризчилар:**

Содиқов У.Т.

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти  
“Ички касалликлар” кафедраси мудир, тиббиёт  
фанлари номзоди.

Халматова Б.Т.

ТТА “1-сонли Болалар касалликлари” кафедраси  
мудир, тиббиёт фанлари доктори.

Модул дастури Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида ишлаб  
чиқилган.

Модул дастури ФЖСТИ Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган  
(2021 йил “8 ” январдаги “6” – сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт  
ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш  
кенгашининг 2021 йил “13” апрелдаги “3”–сонли баённома билан  
маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил  
“4” июндаги “121” – сонли буйруғининг 1 – иловаси билан модул дастури  
рўйхати тасдиқланган.

## **1. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалаврият таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Ушбу дастур асосида замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнида қўллаган ҳолда, талабани назарий маълумотидан бошланғич амалий кўникмаларни бажаришга ўргатиб, орттирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар орқали амалиёт билан уйғунлаштирилган ҳолда қўллашга имкон яратади.

“Педиатрия” модули ўқув режанинг умумкасбий модуллар блокига таалукли.

“Педиатрия” модули ўқитиш талабалар томонидан анатомия, физиология, гистология, цитология, эмбриология, патологик физиология, патологик анатомияга оид модуллардан олинган етарли билим ва кўникмаларга асосланади.

Ушбу дастурда “Педиатрия” модулининг мазмуни, предмети, мақсади ва вазифаси ҳамда моҳияти акс эттирилган. Биотиббийёт муҳандиси аҳолининг соғлиқни сақлаш соҳасида ўз профессионал фаолиятини Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг тиббий-профилактика муассасаларининг тегишли йўналиш бўғинларида олиб боради:

-оилавий шифокор пунктларидаги, оилавий поликлиникаларидаги, шаҳар оилавий поликлиникаларидаги, кўп тармоқли марказий поликлиникаларидаги, касалхоналаридаги, тиббий марказларида ва тиббий-профилактика муассасаларининг бўлимларида;

-олий тиббий маълумотга эга бўлган мутахассислар фаолият юритиши лозим бўлган соғлиқни сақлаш тизимининг Тегишли номланиш асосида ташкилот ва муассасаларида;

-соғлиқни сақлаш ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида.

Бирламчи бўғинда соғлом болани ўсиш ва ривожланиши, тўғри овқатлантириш ва кенг тарқалган болалар касалликларини олдини олиш, кечиши, даволаши ва реабилитация ўтказишни ўргатади.

Болаларнинг ёшга оид анатомик-физиологик хусусиятлари, болалик касалликларининг этиологияси, патогенези, асосий клиник белгилари, ташхислаш ва қиёсий таққослаш турлари, замонавий даволаш усуллари, касалликларнинг профилактикаси ва реабилитацияси қамраб олинган. Педиатрия фани боланинг ўсиш ва ривожланиш давларини, бола ҳаётининг ҳар бир ёш босқичларига хос алоҳида морфологик, физиологик ва психологик ўзгаришларини ўргатади.

### ***Ўқув модулининг мақсади ва вазифаси.***

**2.1 Модулнинг мақсади** – талабаларда турли ёшдаги соғлом ва бемор болалар ва уларнинг ота-онаси билан мулоқат қилиш, болаларни текшириш, лаборатор таҳлилларни ёшга оид ўқий олиш, болалик ёшида учровчи касалликларни

ташхислаш, тез ёрдам кўрсатиш, профилактика чораларини белгилаш бўйича кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

## **2.2 Модулнинг вазифалари:**

- болалардаги аъзо ва тизимларнинг анатомик-физиологик хусусиятлари;
- турли ёшдаги болаларнинг жисмоний ва психомотор ривожланиш кўрсаткичлари;
- турли ёшдаги болаларни овқатлантириш тамойиллари;
- болалик даврида кўп учрайдиган касалликларнинг этиологияси, патогенези, клиникаси ва қиёсий ташхисоти ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- болалик даврлари касалликларини даволаш тамойилларини;
- жисмоний ривожланиш мониторингини ўтказиш;
- соғлом болаларни нерв-психик ҳолатини баҳолаш;
- касаллик анамнезини йиғиш;
- беморларни клиник-лаборатор текшириш кўникмаларига эга бўлиши;
- касалликларнинг асосий клиник, лаборатор ва инструментал мезонларини аниқлаш;
- болалик даврларида кўп учрайдиган касалликларнинг профилактикасини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- реабилитация чораларини ўтказиш;
- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишга ўргатиш.

## **2.3 Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

- бола организмни анатомио-физиологик хусусиятлари, турли ёшдаги болаларнинг ривожланиши, болалар организмнинг асосий жароҳатланиш симптомлари ва синдромлари, семиотикаси, ёшга оид овқатланиш, тиббиёт ходимлари ва беморнинг қариндошлари билан мулоқотни этик ва деонтологик асослари, болалар даврида учрайдиган касалликлар тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши**;
- болалик даврида кўп учрайдиган касалликларнинг этиологияси, патогенези, клиникаси ва қиёсий ташхиси, лаборатор кўрсаткичлари, болалар касалликларини даволаш тамойиллари, касалликларни олдини олиш йўллари, беморларни поликлиника шароитида реабилитацияси ва диспансер кузатуви қоидалари ҳақида **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- турли ёшдаги болаларнинг жисмоний ва психомотор ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш (бола вазнини ва бўйини ўлчаш);
- янги туғилган чақалоқни жисмоний ривожланиши ва етуқлигини баҳолаш;
- касалликларнинг асосий клиник, лаборатор ва инструментал мезонларини аниқлаш;
- чақалоқларда шартсиз рефлексларни аниқлаш;
- кўкрак сути билан тўғри эмизиш техникаси;
- назогастрал зондлаш техникаси;

- юррак чегараларини аниқлаш;
- жигар чегараларини аниқлаш;
- болаларда артериал қон босимини ўлчаш;
- пикфлоуметрия ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш;
- ларингоспазмда ёрдам кўрсатиш;
- талвасада ёрдам кўрсатиш;
- гипертермияда ёрдам кўрсатиш;
- юқори нафас йўлларига ёт жисм тушганда ёрдам кўрсатиш;
- анафилактик шокда ёрдам кўрсатиш;
- вакцинация ва ревакцинацияни ўтказиш ва самарадорлигини аниқлаш;
- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш;
- лаборатор текширувлар интерпретацияси (қон, сийдик ва ахлат таҳлиллари) ни ўтказиш *амалий кўникмаларига (шу жумладан клиник амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.*

### **3. Асосий қисм**

#### ***3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:***

**1 мавзу. Педиатрия модулига кириш. Болалик даврлари. Жисмоний ривожланиш мониторинги.** Педиатрия модули, унинг вазифаларива уларни ривожлантиришда ўзбек ва чет эл олимларининг ўрни. Болалик даврлари. Болалик даврларининг ёшга боғлиқ хусусиятлари. Жисмоний ривожланиш мониторинги.

**2 мавзу. Соғлом болаларни овқатлантириш. Оксил-энергетик етишмовчилик.** Кўкрак сутининг ахамияти. 1 ёшгача бўлган болаларни овқатлантириш. Қўшимча овқат бериш тамойиллари. 1 ёшдан катта болаларни овқатлантириш. Оксил-энергетик етишмовчилик. Этиопатогенези. Таснифи. Клиник белгилари. Ташхисот мезонлари. Қиёсий ташхис. Давоси. Профилактикаси.

**3 мавзу. Рахит. Танқислик анемиялари.** Рахит этиопатогенези. Таснифи. Клиник белгилари. Ташхисот мезонлари. Қиёсий ташхис. Давоси. Профилактикаси. Танқислик анемиялари таърифи. Этиопатогенези. Таснифи. Клиник белгилари. Ташхисот мезонлари. Қиёсий ташхис. Давоси. Профилактикаси.

**4 мавзу. Бронхитлар. Пневмониялар. Юрак туғма нуқсонлари.** Таърифи. Таснифи. Этиопатогенези. Клиник белгилари. Ташхисот мезонлари. Қиёсий ташхис. Давоси. Профилактикаси.

#### ***3.2. Модулдаги амалий машғулотлар ва клиник ўқув амалиёти мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:***

##### ***3.2.1. Амалий машғулотларнинг мавзулар рўйхати:***

**1-мавзу.** Педиатрия модулига кириш, фанни мақсади ва вазифалари. Болалик даврларининг характеристикаси. Болаларни жисмоний ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. ЖССТ томонидан ишлаб чиқарилган беш ёшгача болаларни ўсиш ва ривожланиш стандартлари ва графиклари. “Биологик акселерация” ҳақида тушунча. Болалар жисмоний ривожланишни бузилиш

семиотикаси (оқсил-энергетик етишмовчилиги).

**2-мавзу.** 1 ёшгача ва 1 ёшдан катта бўлган болаларни овқатлантириш тамойиллари. Кўшимча овқат бериш.

**3-мавзу.** Болаларда суяк-мушак тизимини анатомио-физиологик хусусиятлари. Суяк – мушак тизимининг асосий касалликлари семиотикаси: рахит, спазмофилия.

**4-мавзу.** Болаларда қон ва қон ҳосил бўлиш аъзолари анатомик – физиологик хусусиятлари. Қон ва қон ҳосил бўлиш аъзолари касалликлари семиотикаси. Танқислик анемиялари.

**5-мавзу.** Болалар нафас тизимини ёшига кўра анатомик-физиологик хусусиятлари. Ташқи нафас фаолиятларини баҳолаш усуллари ва мезонлари. Нафас тизими касалликларини асосий семиотикаси.

**6-мавзу.** Болаларда юрак қон-томир тизимининг анатомио-физиологик хусусиятлари. Болаларда учрайдиган юрак қон-томир тизими касалликлари семиотикаси, профилактикаси.

### **3.2.2. Клиник ўқув амалиётларнинг мавзулар рўйхати:**

1. Турли ёшдаги болаларнинг жисмоний ва психомотор ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш (бола вазнини ва бўйини ўлчаш);
2. Янги туғилган чақалокни жисмоний ривожланиши ва етуклигини баҳолаш;
3. Касалликларнинг асосий клиник, лаборатор ва инструментал мезонларини аниқлаш;
4. Чақалокларда шартсиз рефлексларни аниқлаш;
5. Кўкрак сути билан тўғри эмизиш техникаси;
6. Назогастрал зондлаш техникаси;
7. Юрак чегараларини аниқлаш;
8. Жигар чегараларини аниқлаш;
9. Болаларда артериал қон босимини ўлчаш;
10. Пикфлоуметрия ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш;
11. Ларингоспазмда ёрдам кўрсатиш;
12. Талвасада ёрдам кўрсатиш;
13. Гипертермияда ёрдам кўрсатиш;
14. Юқори нафас йўлларига ёт жисм тушганда ёрдам кўрсатиш;
15. Анафилактик шокда ёрдам кўрсатиш;
16. Вакцинация ва ревакцинацияни ўтказиш ва самарадорлигини аниқлаш;
17. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш;
18. Лаборатор текширувлар интерпретацияси (қон, сийдик ва ахлат таҳлиллари) ни ўтказиш.

### **3.2.3. Амалий машғулот ва клиник ўқув амалиётларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

Модул бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза) ва 50% амалий қисм (амалий машғулотлар ва клиник ўқув амалиёти)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади. Машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади. Машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим.

Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;

### **3.2.4. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:**

**Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:**

УК 1<sup>1</sup>. Абстракт фикр юритиш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;

УК 2. Дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий билимларнинг асосларидан фойдаланиш қобилияти;

УК 3. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти, қабул қилинган қарорлар учун ижтимоий ва ахлоқий жавобгарликни олишга тайёрлик;

УК 4. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишга, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайёрлик;

УК 5. Фавқулоддаги вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, химоя усулларини қўллашга тайёрлик;

УК 6. Фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, химоя усулларини қўллашга тайёрлик;

УКК 1<sup>2</sup>. Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот, библиографик манбалар, биотиббиде терминологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга тайёрлик;

УКК 2. Профессional фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун оғзаки ва ёзма равишда рус ва хорижий тилларда мулоқот қилишга тайёрлик;

УКК 3. Тиббий ҳужжатларни юритишга тайёрлик;

10. УКК 4. Беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва дастлабки тиббий санитар ёрдам кўрсатишни таъминлашга тайёрлик;

11. УКК 5. Тиббий ёрдам кўрсатишда кўзда тутилган тиббий асбоблардан фойдаланишга тайёрлик.

“Педиатрия” модули бўйича клиник ўқув амалиётини ўтиш даврида талабалар амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

Клиник ўқув амалиётида амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

Биринчи босқич – машғулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда

---

<sup>1</sup>УК- умумий компетенция

<sup>2</sup>УКК – умумий касбий компетенция

ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жихатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб-анжомлар ишлаш механизми, ишлатиш қоидалари билан талабалар таништирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча асбоб анжомлар мавжуд ва ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

Иккинчи босқич – амалий кўникмани намойиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни кадамга кадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намойиш этилади, алгоритм асосида босқичма босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Талаба амалий кўникмани мустақил, бироқ педагог назорати остида кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Бошида барча босқичларини алоҳида, кейинчалик умумлаштирган ҳолда тўлиқ ва тўғри бажара олгандан сўнг беморда қўллашга руҳсат берилади (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар кадамга кадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенлар, имитаторлар, асбоб анжомлар бўлиши лозим ва керакли шарт шароитлар (максимал даражада иш шароитига яқин моделлаштирилган) яратилиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғирлайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олиниб ўзига намойиш этилиши, танқидий муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоеън бўладикки, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма афтоматизм даражасигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани беморда қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли хил клиник ҳолатларда (шу жумладан шошилиш ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалалар ва тестлар тўплами, кейслар, клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартлари, ўргатувчи касаллик тарихлари ва амбулатор карталар ва ҳ.к. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоеън бўладикки, бунда бошқа талабалар нафақат эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда балки командада ишлашда иштирок этадилар.

Тўртинчи босқич – ҳулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани беморларда, турли хил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда



амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Машғулот сўнгида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда фанни ўзлаштирган ҳисобланади.

**4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар:**

**Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:**

1. Соғлом ва тез-тез касалланувчи болаларни чиниқтириш усуллари
2. Тез-тез касалланувчи болалар (ЧБД)
3. Болаларда дисбактериоз кечиш хусусиятлари.
4. Пилороспазм ва пилоростеноз
5. Болаларда сурункали инфекция ўчоқлари
6. Ўт йўллари дискинезияси
7. Гипо ва авитаминозлар
8. Энурез, сийдик чиқариш йўллари нейроген дисфункцияси
9. Рахитсимон касалликлар
10. Дисметаболик нефропатиялар
11. Гижжа инвазияси
12. Гипо ва апластик анемия
13. Ичакни қитиклаш синдроми
14. Гиперактив бола синдроми
15. Дизембриогенез стигмалари
16. Сийдик ажратиш тизимининг нуқсонлари
17. Атипик пневмониялар.
18. Реактив артритлар

**Педиатрия модули бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.**

**Педиатрия модули бўйича курс иши (лойиҳаси) ўқув режасида кўзда тутилмаган.**

**Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари**

Педиатрия модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади. Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);

- якуний назорат (ЯН).

Модулга ажратилган 2,5 кредитни талаба 6-семестрда ЖН давомида йиғади. Семестр охирида якуний назорат – ОСКИ+тест топширилади.

### ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модуль мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Тиббиёт касбига кириш модули бўйича ЖН оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, амалий кўникма ва тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар ечиш, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси, компетенцияларни эгаллаш (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Талаба 6 - семестрда белгиланган кредитларни тўплагандагина якуний назоратга киритилади.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида модуль бўйича жорий назоратда саралаш баллидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

### Модуль бўйича талаба рейтинг қуйидагича аниқланади:

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи		Баҳо	Таърифи
86-100	A	"аъло" – аъло натижа, минимал	модуль дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;	5	аъло

		хатоликлар билан	<p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллаш олиши;</p> <p>ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;</p> <p>модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши;</p> <p>модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллаш олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамада фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
81-85	В	"жуда яхши" – ўртадан юқори натижа, айрим хатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал</p>	4	яхши

			<p>қилишда ундан унумли фойдаланиши; стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
71-80	С	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва</p>		

			<p>белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан; амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши; ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танкидий баҳо бериши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;</p>		
60-70	D	"қоникарли" – сушт натижа, қўпол камчиликлар билан	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим хажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо хатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; компетенцияларни мустақил, аммо хатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий машғулотларда</p>	3	Қони қарли

			педагог ходим раҳбарлигида катнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
55-59	Е	"ўрта" – минимал натижага тенг	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим қўпол хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва хатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан тўлик бажара олиши; компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқиладиган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида катнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
31-54	FX	"қониқарсиз" – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлаштириш и зарур	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай	2	Қониқар сиз

			олмаса.		
0-30	F	"мутлок қониқар сиз" – тўлик қайта ўзлаштириши лозим	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантиқий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		

### ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)-ОСКИ+тест

ЖНга ажратилган кредитларни тўлик тўплаган талаба ЯНга киритилади. ЯН модул якунида ОСКИ+тест шаклида ўтказилади.

ЯНда саралаш балини (55) йиғолмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади (ЖНда тўлик кредитни йиғган бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ва якуний назорат қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида якуний назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудирини, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

## **5. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари**

### **5.1. Асосий адабиётлар**

1. Daminov T.O., Xalmatova B.T., Boboeva O'R. Bolalar kasalliklari . Дарслик. - Тошкент. Tafakkur Bo'stoni. 2013, 2015 й.

2. Даминов Т.О., Халматова Б.Т, Бобоева У.Р. Детские болезни. Учебник. – Ташкент. Tafakkur Bo'stoni. 2013, 2015 г.

3. Шабалов Н.П. Неонатология. Учебник. – Москва. Медицина. 1988.

4. Шерматов Р.М. Педиатрия модули бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Фарғона. “Poligraf Super Servis” МСНЖ. “Наврўз” нашриёти. 2021й.

### **5.2. Қўшимча адабиётлар:**

1. Беляева Л.М. Детская кардиология и нефрология – практическое руководство -Москва., ГЭОТАР, 2011 г

2. Болалар касалликларини интеграцион усулда олиб бориш. Ўқув қўлланма. УзРССВ/ЮНИСЕФ, 2003

3. Болаларга стационар ёрдам курсатиш. Методик қўлланма.(УзССВ №225 буйруғи, 2013)

4. Игнатов М.С. Детская нефрология – руководство для врачей – Москва, ГЭОТАР, 2011 г

5. Кильдиярова Р.Р. Лабораторные и функциональные методы исследования в практике педиатрии – учебно-методическое пособие, -Москва., ГЭОТАР., 2012 г

6. Кўкрак сути билан боқиш. Ўқув қўлланма. ЎзРССВ/ЮНИСЕФ, 2013.

7. Шабалов Н.П. Детские болезни. – Учебник, Москва., ГЭОТАР., 2010.

8. Баранов А.А. Детские болезни. - Учебник. - Москва, ГЭОТАР, 2009 г

9. Геппе Н.А., Подчерняева Н.С. Пропедевтика детских болезней – Учебник. – Москва, ГЭОТАР, 2008 г

10. Василевский И.В. Дифференциальная диагностика и терапия кашля у детей и подростков. – учебно-методическое пособие – Минск. БелМАПО, 2006 г

11. Халматова Б.Т., Бобомуратов Т.А. Педиатрияди синдромал диагностика. –ўқув қўлланма, Тошкент, ТТА босмахонаси, 2010 й

12. Nelson Textbook of Pediatrics, 20 editions. Robert M. Kliegman, Bonita Stanton, Joseph St. Geme., Elsevier, 2016.

13. The five Minute child Health Advisor/ - M. William Schwartz, MD., - 1998, USA



14. A therapist's guide to pediatric assessment, - Linda King-Thomas, Bonnie J. Hacker, 1987, USA

15. Pediatrics, - Margaret C. Heagarty., William J. Moss, -1997, USA

### Интернет сайтлар:

1. [www.fftma.uz](http://www.fftma.uz)
2. [www.tma.uz](http://www.tma.uz)
3. [www.zyonet.uz](http://www.zyonet.uz)
4. [www.info@minzdrav.uz](mailto:www.info@minzdrav.uz)
5. [www.info@tma.uz](mailto:www.info@tma.uz)

### “ПЕДИАТРИЯ” МОДУЛИДАН СИЛЛАБУС

Модулнинг тўлик номи	Педиатрия		
Модул коди:	Кредит ҳажми: 2,5 кредит Шундан: ЖН – 2,5 кредит: ЯН – 0 кредит (ўтилиши мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 6 семестр	ECTS value: 2
Таълим йўналиши	5313000 – Биотиббйёт муҳандислиги	3 босқич бакалаврлари	
Модулнинг давомийлиги	18 hafta		
Ўқув соатлари ҳажми:	Жами соат:	90	
	Шунингдек:		
	маъруза	8	
	амалий машғулот	23	
	Клиник ўқув амалиёти	23	
Мустақил таълим	36		
Ўқув модулининг статуси	Умумқасбий модуллар блоки		
ОТМ номи, манзили			
Кафедра номи			
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Маърузачининг Ф.И.Ш. Амалий машғулот ва клиник ўқув амалиёти ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:	
Машғулот вақти ва жойи			
Модулнинг мазмуни	Педиатрия модули талабаларга фаннинг назарий асосларини, асосий тушунчаларини, касалликларни эрта ташхислаш ва олдини олиш тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишни ўргатишга йўналтирилган. Болалар касалликларнинг сабаблари, диагностикаси ва профилактикаси бўйича ўзининг амалий фаолиятида билимларни қўллаш учун ихтисослик модулларига замин яратади.		
Пререквизитлар	Курс “Одам анатомияси”, “Нормал физиология”, “Патологик		

	физиология”, “Гистология”, “Микробиология”, “Фармакология”, “Терапия” фанларидан ўзлаштирилган билимларига асосланади.
Постреквизитлар	Педиатрия модули бошқа умумқасбий модуллар учун назарий замин бўлиб хизмат қилади, махсус модулларини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва компетенцияларни шакллантиради.
Модулнинг мақсади	талабаларда турли ёшдаги соғлом ва бемор болалар ва уларнинг ота-онаси билан мулоқат қилиш, болаларни текшириш, жисмоний мониторинг ўтказиш, болалик ёшида учровчи касалликларни ташхислаш, тез ёрдам кўрсатиш, профилактика ва реабилитация чораларини белгилаш бўйича кўникмаларни шакллантиришдан иборат.
Модулнинг вазифалари	<ul style="list-style-type: none"> <li>– болалардаги аъзо ва тизимларнинг анатомик-физиологик хусусиятлари;</li> <li>– турли ёшдаги болаларнинг жисмоний ва психомотор ривожланиш кўрсаткичлари;</li> <li>– турли ёшдаги болаларни овқатлантириш тамойиллари;</li> <li>– болалик даврида кўп учрайдиган касалликларнинг этиологияси, патогенези, клиникаси ва қиёсий ташхисоти ҳақида тасаввурга эга бўлиши;</li> <li>– болалик даврлари касалликларини даволаш тамойилларини;</li> <li>– жисмоний ривожланиш мониторингини ўтказиш;</li> <li>– соғлом болаларни нерв-психик ҳолатини баҳолаш;</li> <li>– касаллик анамнезини йиғиш;</li> <li>– беморларни клиник-лаборатор текшириш кўникмаларига эга бўлиши;</li> <li>– касалликларнинг асосий клиник, лаборатор ва инструментал мезонларини аниқлаш;</li> <li>– болалик даврларида кўп учрайдиган касалликларнинг профилактикасини билиши ва улардан фойдалана олиши;</li> <li>– реабилитация чораларини ўтказиш;</li> <li>– аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишга ўргатиш.</li> </ul>
Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	<p><b>Талаба:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– бола организмни анатомио-физиологик хусусиятлари, турли ёшдаги болаларнинг ривожланиши, болалар организмнинг асосий жароҳатланиш симптомлари ва синдромлари, семиотикаси, ёшга оид овқатланиш, тиббиёт ходимлари ва беморнинг қариндошлари билан мулоқотни этик ва деонтологик асослари, болалар даврида учрайдиган касалликлар тўғрисида <b>тасаввурга эга бўлиши</b>;</li> <li>– болалик даврида кўп учрайдиган касалликларнинг этиологияси, патогенези, клиникаси ва қиёсий ташхиси, лаборатор кўрсаткичлари, болалар касалликларини даволаш тамойиллари, касалликларни олдини олиш йўллари, беморларни поликлиника шароитида реабилитацияси ва диспансер кузатуви қоидалари ҳақида <b>билиши ва улардан фойдалана олиши</b>;</li> <li>– турли ёшдаги болаларнинг жисмоний ва психомотор ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш (бола вазнини ва бўйини ўлчаш);</li> <li>– янги туғилган чақалоқни жисмоний ривожланиши ва етуклигини баҳолаш;</li> </ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>– касалликларнинг асосий клиник, лаборатор ва инструментал мезонларини аниқлаш;</li> <li>– чақалоқларда шартсиз рефлексларни аниқлаш;</li> <li>– кўкрак сути билан тўғри эмизиш техникаси;</li> <li>– назогастрал зондлаш техникаси;</li> <li>– юрак чегараларини аниқлаш;</li> <li>– жигар чегараларини аниқлаш;</li> <li>– болаларда артериал қон босимини ўлчаш;</li> <li>– пикфлоуметрия ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш;</li> <li>– ларингоспазмда ёрдам кўрсатиш;</li> <li>– талвасада ёрдам кўрсатиш;</li> <li>– гипертермияда ёрдам кўрсатиш;</li> <li>– юқори нафас йўллариغا ёт жисм тушганда ёрдам кўрсатиш;</li> <li>– анафилактик шокда ёрдам кўрсатиш;</li> <li>– вакцинация ва ревакцинацияни ўтказиш ва самарадорлигини аниқлаш;</li> <li>– аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш;</li> </ul> <p>лаборатор текширувлар интерпретацияси (қон, сийдик ва ахлат таҳлиллари) ни ўтказиш <i>амалий кўникмаларига (шу жумладан клиник амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.</i></p>
Таълим бериш усуллари	<p>Маъруза. Амалий машғулот . Клиник ўқув амалиёти.</p>
Таъминот	<p>видеофильмлар, мультимедияли ва ўқитувчи компьютер дастурлардан, ўқитиш методикасидаги янги технологиялардан, мавзулар бўйича назарий билимларни сўрашдан фойдаланилади; бакалаврларнинг мустақил иши, индивидуал ва гуруҳли презентациялар, уйга берилган вазифаларни тайёрлаш, рефератлар ёзиш, тестлар, вазиятли масалалар ва бошқалар.</p>

### Ўқитиш натижалари:

#### Модулни яқунлаганда талаба билиши керак:

1. Бола организмни анатомио-физиологик хусусиятлари, турли ёшдаги болаларнинг ривожланиши, болалар организмнинг асосий жароҳатланиш симптомлари ва синдромлари, семиотикаси, ёшга оид овқатланиш, тиббиёт ходимлари ва беморнинг қариндошлари билан мулоқотни этик ва деонтологик асослари, болалар даврида учрайдиган касалликлар тўғрисида *масавурга эга бўлиши.*
2. Энг кўп тарқалган болалар касалликлари шаклларининг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикаси асосларини, ҳамда соғлом турмуш тарзининг асосларини.
3. Болалик даврида кўп учрайдиган касалликларнинг этиологияси, патогенези, клиникаси ва киёсий ташҳиси, лаборатор кўрсаткичлари, болалар касалликларини даволаш тамойиллари, касалликларни олдини олиш йўллари, беморларни поликлиника шароитида реабилитацияси ва диспансер кузатуви қоидалари ҳақида *билиши ва улардан фойдалана олиши.*

#### Модулни яқунлаганда талаба бажара олади:

1. Турли ёшдаги болаларнинг жисмоний ва психомотор ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш (бола вазнини ва бўйини ўлчаш);
2. Янги туғилган чақалоқни жисмоний ривожланиши ва етуклигини баҳолаш;
3. Касалликларнинг асосий клиник, лаборатор ва инструментал мезонларини аниқлаш;
4. Чақалоқларда шартсиз рефлексларни аниқлаш;
5. Кўкрак сути билан тўғри эмизиш техникаси;

6. Назогастрал зондлаш техникаси;
7. Юрак чегараларини аниқлаш;
8. Жигар чегараларини аниқлаш;
9. Болаларда артериал қон босимини ўлчаш;
10. Пикфлоуметрия ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш;
11. Ларингоспазмда ёрдам кўрсатиш;
12. Талвасада ёрдам кўрсатиш;
13. Гипертермияда ёрдам кўрсатиш;
14. Юқори нафас йўлларига ёт жисм тушганда ёрдам кўрсатиш;
15. Анафилактик шокда ёрдам кўрсатиш;
16. Вакцинация ва ревакцинацияни ўтказиш ва самарадорлигини аниқлаш;
17. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш;
18. Лаборатор текширувлар интерпретацияси (қон, сийдик ва ахлат таҳлиллари) ни ўтказиш *амалий кўникмаларига (шу жумладан клиник амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.*